

УЙҒОНИШ ДАВРИДАН ЗАМОНАВИЙ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ
ПАРАДИГМАСИГАЧА НОГИРОНЛИККА НИСБАТАН ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТ

Хикматов Шухрат Шабанович

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил
изланувчиси*

Аннотация: Мақолада Уйғониш даври, Янги давр, Саноат инқилоби, XIX аср, XX аср бошидаги евгеника ва ижтимоий дарвинизм, шунингдек Иккинчи жаҳон уруши ортидан шаклланган инсон ҳуқуқлари парадигмаси доирасида ногиронликка нисбатан ҳуқуқий муносабатнинг эволюцияси қиёсий-тарихий таҳлил қилинади. Тадқиқотда ҳуқуқ субъектлиги ғоясининг секуляр ривожланиши билан бир вақтда ногиронлик “ақлли субъект” модели, васийлик, изоляция ва институционал сегрегация орқали ҳуқуқий чекловларнинг “оқилона” асоси сифатида қўлланилгани кўрсатилади. Муаллиф Уйғониш гуманизмидаги “норма” модели, Янги даврдаги муомала лаёқати концепцияси, индустриал даврда иқтисодий фойдалилик мезони ва XX аср бошида фан-давлат-ҳуқуқ бирлашган евгеника сиёсати инсон қадрини инкор этишга хизмат қилганини асослайди. Урушдан кейинги халқаро ҳуқуқ ва конституционализмда инсон қадр, тенглик ва камситишга қарши тамойиллар устуворлашиб, ногиронлиги бўлган шахсларни “ҳимоя объекти”дан “тўлиқ ҳуқуқ субъекти”га ўтказишга йўл очгани хулоса қилинади.

Калит сўзлар: ногиронлик, ҳуқуқ субъектлиги, муомала лаёқати, васийлик, сегрегация, евгеника, ижтимоий дарвинизм, инсон қадр, камситиш, инсон ҳуқуқлари парадигмаси.

LEGAL ATTITUDES TOWARD DISABILITY FROM THE RENAISSANCE TO
THE MODERN HUMAN RIGHTS PARADIGM

Khikmatov Shukhrat Shabanovich

Independent researcher of the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

Abstract: This article offers a comparative historical analysis of legal attitudes toward disability from the Renaissance and the Early Modern period through industrialization, nineteenth-century institutionalization, early twentieth-century eugenics, and the post-World War II human rights paradigm. The study demonstrates a dual trajectory: while secular ideas of human dignity, liberty, and legal subjectivity expanded, disability was simultaneously used as an “rational” and “scientific” foundation for legal restrictions. The paper examines how the “rational subject” model, guardianship regimes, isolation practices, and administrative control transformed persons with disabilities from legal subjects into objects of regulation. It further argues that industrial societies reinforced exclusion through economic utility criteria,

while eugenics and social Darwinism enabled state–science–law alliances to legitimize forced segregation, sterilization, and the denial of family and bodily autonomy. The post-war human rights turn, grounded in dignity, equality, and non-discrimination, is shown to have redefined disability as a matter of societal barriers and state obligations, shifting the legal framework toward inclusion and full legal recognition.

Keywords: disability, legal subjectivity, legal capacity, guardianship, segregation, eugenics, social Darwinism, human dignity, non-discrimination, human rights paradigm.

ПРАВОВОЕ ОТНОШЕНИЕ К ИНВАЛИДНОСТИ ОТ ЭПОХИ ВОЗРОЖДЕНИЯ ДО СОВРЕМЕННОЙ ПАРАДИГМЫ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА

Хикматов Шухрат Шабанович

Самостоятельный соискатель Правоохранительной академии Республика Узбекистан

Аннотация: *Статья посвящена сравнительно-историческому анализу эволюции правового отношения к инвалидности от эпохи Возрождения и Нового времени через индустриализацию и XIX век к евгенике начала XX века и последующему формированию парадигмы прав человека после Второй мировой войны. Показано, что в истории права одновременно развивались две противоположные тенденции: расширение секулярных идей достоинства, свободы и правосубъектности и, вместе с тем, использование инвалидности как “рационального” и “научного” основания для правовых ограничений. Раскрываются механизмы превращения лиц с инвалидностью из субъектов права в объекты регулирования через модели “разумного субъекта”, институт опеки, изоляцию и институциональную сегрегацию. Обосновывается, что индустриальная эпоха усилила дискриминацию критерием экономической полезности, а евгеника и социальный дарвинизм легитимировали вмешательство государства в телесную и семейную автономию. Сделан вывод о том, что послевоенная парадигма прав человека, основанная на достоинстве, равенстве и недискриминации, изменила правовое понимание инвалидности, ориентирував его на устранение социальных барьеров и обеспечение полноценного участия.*

Ключевые слова: *инвалидность, правосубъектность, дееспособность, опека, сегрегация, евгеника, социальный дарвинизм, человеческое достоинство, недискриминация, права человека.*

Ногиронликка нисбатан ҳуқуқий муносабат тарихи ҳуқуқий тафаккурнинг қай даражада инсон қадрини мутлақ қадрият сифатида қабул қилганини кўрсатувчи муҳим индикатор ҳисобланади. Уйғониш даври ва Янги даврда инсон эркинлиги, ақл ва ҳуқуқ субъектлиги ғоялари секуляр асосда ривожланган бўлса-да, амалиётда “ақлли ва мукамал инсон” нормаси ногиронлиги бўлган

шахсларни ҳуқуқий моделнинг чеккасига чиқарди. Кейинчалик индустриал жамиятларда иқтисодий фойдалилик мезони, XIX асрда институционал сегрегация, XX аср бошида эса евгеника ва ижтимоий дарвинизмга суянган сиёсатлар ҳуқуқни инсонни ҳимоя қилиш воситасидан инсонни назорат қилиш ва четлатиш механизмига айлантирди. Шу боис, мазкур даврий таҳлил ногиронлик масаласида “ҳимоя” ва “камситиш” ўртасидаги тарихий парадоксни очиб бериш ҳамда замонавий инсон ҳуқуқлари парадигмасининг ҳуқуқий-тарихий асосларини тушунтиришга хизмат қилади.

Уйғониш даври ва Янги даврда ногиронликка нисбатан муносабатни чуқур таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ушбу давр ҳуқуқ тарихида икки қарама-қарши тенденция бир вақтнинг ўзида ривожланган. Бир томондан, инсон қадрли, шахс эркинлиги ва ҳуқуқ субъектлиги ғоялари илк бор секуляр ҳуқуқий асосда илгари сурилган. Иккинчи томондан эса, айнан шу даврда ногиронлик ҳуқуқий чекловларнинг “оқилона” ва “илмий” асоси сифатида қўллана бошланган. Бизнинг фикримизча, ушбу зиддият Янги давр ҳуқуқий тафаккурининг энг мураккаб ва кам ўрганилган жиҳатларидан биридир.

Уйғониш даври гуманизми инсонни илоҳий итоат объекти эмас, балки мустақил ақл эгаси сифатида талқин қилди. Бироқ гуманистик идеал сифатида шаклланган “ақлли, мустақил, жисмоний мукамал инсон” модели амалда ногиронлиги бўлган шахсларни инсон субъектлигининг чегарасига олиб келди. Назаримизда, бу ерда гуманизмнинг ўзида ички дискриминацион потенциал мавжуд эди, чунки инсон қадрли универсал эмас, балки муайян “норма”га мувофиқлик билан баҳоланган.

Янги даврда ҳуқуқ субъектлиги ақл ва ирода мавжудлиги билан боғлаб қўйилди. Ҳуқуқий назарияда шахс ўз ҳаракатларининг мазмунини англай олиши ва улар учун жавобгарликни зиммасига ола билиши лозим эди. Ақлий ёки руҳий нуқсонларга эга шахслар эса бу моделга тўлиқ мос келмаган. Шу сабабли, улар муомала лаёқатидан маҳрум этилган ёки васийлик институти орқали чекланган ҳолда ҳуқуқий муносабатларда иштирок этган. Бу ҳолат ногиронлиги бўлган шахсларни ҳуқуқ субъектидан ҳуқуқ объектига айлантирган асосий ҳуқуқий механизм бўлган.

Янги давр ҳуқуқ тизимларида васийлик институти формал жиҳатдан ҳимоя мақсадида жорий этилган бўлса-да, амалиётда у кўп ҳолларда репрессив хусусият касб этган. Васий ногиронлиги бўлган шахс номидан қарор қабул қилган, унинг мулки, яшаш жойи, ҳатто шахсий ҳаёти устидан назорат ўрнатган. Ногиронлиги бўлган шахснинг ўзи эса қарор қабул қилиш жараёнидан чиқариб ташланган. Назаримизда, бу ҳолат ҳуқуқий ҳимоя номи остида нафақат муомала лаёқатини, балки ҳуқуқий лаёқатни ҳам йўқ қилишга уринишдек туюлади.

Жиноят ҳуқуқи соҳасида ҳам Янги даврда ногиронликка нисбатан муносабат мураккаб тус олган. Бир томондан, руҳий касаллик жиноий айбдорликни истисно қилувчи ҳолат сифатида тан олина бошлаган, иккинчи томондан эса, бундай шахслар жамият учун хавфли деб баҳоланиб, муддатсиз қамоққа жойлаштирилган¹⁷. Биз буни жиноий жавобгарликдан озод қилиш билан бир вақтда шахсий эркинликдан маҳрум этиш деб баҳолаймиз.

Янги даврда давлатнинг марказлашуви ногиронликка нисбатан муносабатни янада институционаллаштирди. Давлат ногиронлиги бўлган шахсларни жамиятдан “ҳимоя қилиш” баҳонасида уларни изоляция қилиш ваколатини ўз қўлига олди. Бу ҳолат ҳуқуқий чекловларни индивидуал эмас, тизимли тусга келтирди. Бизнинг фикримизча, айнан шу босқичда ногиронлик давлат томонидан бошқариладиган ижтимоий муаммога айланди.

Шу билан бирга, табиий ҳуқуқ назариясининг ривожланиши ногиронликка нисбатан муносабатда янги ҳуқуқий имкониятлар очди. Инсон ҳуқуқларининг туғма экани ҳақидаги ғоя назарий жиҳатдан ногиронлиги бўлган шахсларни ҳам қамраб олиши лозим эди. Бироқ амалиётда табиий ҳуқуқ концепцияси “ақлли субъект” модели билан чекланиб қолди. Назаримизда, бу ҳуқуқий универсализмнинг амалда селектив қўлланганини кўрсатади.

Янги даврда ижтимоий ёрдам тизимлари ҳам шакллана бошлади, бироқ улар ҳуқуқий кафолат эмас, балки камбағаллик сиёсати доирасида амалга оширилди. Ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатга лаёқатсиз камбағаллар сифатида қабул қилинган ва давлат томонидан назорат остида сақланган. Биз деб ҳисоблаймизки, бу ҳолат ижтимоий ҳуқуқларнинг эмас, ижтимоий назоратнинг ривожланганидан далолат беради.

Уйғониш даври ва Янги даврда тиббиётнинг ривожланиши ногиронликни индивидуал муаммо сифатида талқин қилишга олиб келди. Жамиятдаги тўсиқлар эмас, шахснинг ўзи “муаммо” деб қаралди. Назаримизда, бу ёндашув кейинги асрларда тиббий моделнинг устувор бўлишига ва ижтимоий дискриминациянинг яширин шаклларига замин яратган.

Шу тариқа, Уйғониш даври ва Янги давр ногиронликка нисбатан муносабатда инсон ҳуқуқлари ғояси шакллана бошлаган бўлса-да, ногиронлиги бўлган шахслар бу ҳуқуқлардан тўлиқ фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган. Бизнинг фикримизча, айнан шу тарихий босқич кейинги XIX–XX асрларда евгеника, ижтимоий дарвинизм ва институционал сегрегациянинг ҳуқуқий асосларини тайёрлаб берган¹⁸.

Саноат инқилоби ва ундан кейинги XIX аср инсоният тарихида ҳуқуқий ва ижтимоий муносабатларнинг тубдан ўзгариши билан тавсифланади. Агар

¹⁷ Coleman, James C. "Abnormal psychology and modern life." (1976).

¹⁸ Gostin, Lawrence O. "'Old' and 'new' institutions for persons with mental illness: Treatment, punishment or preventive confinement?." Public Health 122, no. 9 (2008): 906-913.

илгариги даврларда ногиронлик асосан диний ёки ахлоқий категория сифатида баҳоланган бўлса, мазкур даврда у иқтисодий фойдалилик ва меҳнат қобилияти нуқтаи назаридан талқин қилина бошлади. Бизнинг фикримизча, айнан шу босқичда ногиронлик ҳуқуқий жиҳатдан янги, аммо янада тизимли камситиш шаклига эга бўлди.

Саноатлашган жамиятда меҳнат марказий қадриятга айланди. Инсон қадрининг ишлаб чиқариш жараёнидаги самарадорлиги билан ўлчанди. Бу шароитда жисмоний ёки ақлий нуқсонга эга бўлган шахслар ишлаб чиқариш тизимига мос келмайдиган, “самарасиз” субъект сифатида қабул қилинди. Назаримизда, бу ҳолат ҳуқуқий чекловларнинг янги асоси, яъни иқтисодий фойдалилик мезонини шакллантирди.

XIX аср меҳнат ҳуқуқи амалда ногиронлиги бўлган шахсларни ҳимоя қилишга қаратилмаган эди. Фабрика ва заводларда меҳнат қилаётган ишчилар оғир меҳнат шароитида кўпинча жароҳат олган ва натижада ногирон бўлиб қолган. Бироқ давлат ва иш берувчилар бу ҳолат учун ҳуқуқий жавобгарликни ўз зиммасига олмаган. Бу даврда ногиронлик ишлаб чиқариш тизимининг “қонуний қурбони” сифатида қабул қилинган, деб ҳисоблаймиз.

Индустриал жамиятда ҳуқуқ субъектлиги меҳнат қобилияти билан бевосита боғлаб қўйилди. Ногиронлиги бўлган шахслар меҳнат бозоридан чиқариб ташланган ва ижтимоий ёрдам тизимлари орқали эмас, балки хайрия ва камбағаллик сиёсати орқали қўллаб-қувватланган. Назаримизда, бу ҳолат ижтимоий ҳуқуқларнинг шаклланишидан олдинги даврда ногиронлиги бўлган шахсларни ҳуқуқий эмас, маъмурий муаммо сифатида қабул қилишга олиб келган.

XIX асрда бошпаналар, меҳрубонлик уйлари ва “қамоқхонага ўхшаш” ижтимоий муассасалар кенг тарқалди. Ушбу муассасалар расман ҳимоя ва парвариш мақсадида ташкил этилган бўлса-да, амалиётда улар сегрегация ва назорат функциясини бажарган¹⁹. Биз бунини индустриал давлат томонидан ногиронликни бошқаришга қаратилган маъмурий-ҳуқуқий механизм сифатида баҳолаймиз.

Жиноят ҳуқуқи соҳасида ҳам ногиронликка нисбатан муносабат мураккаб бўлган. Руҳий касаллик жинойий айбдорликни истисно қилувчи ҳолат сифатида эътироф этилган бўлса-да, бундай шахслар муддатсиз равишда махсус муассасаларга жойлаштирилган. Бизнинг фикримизча, бу ҳолат жинойий жазодан озод қилиш билан бир вақтда шахсий эркинликдан маҳрум этишнинг ҳуқуқий парадокси ҳисобланади.

XIX асрда ижтимоий статистика ва тиббий таснифлар ривожланиши ногиронликни турларга ажратишни кучайтирди. Бу жараён ҳуқуқий онгга ҳам

¹⁹ Coleman, James C. "Abnormal psychology and modern life." (1976).

таъсир кўрсатиб, муайян тоифадаги шахсларни “меъёрдан оғиш” сифатида белгилашга хизмат қилди. Назаримизда, бу ҳолат кейинчалик евгеника ва ижтимоий дарвинизм ғояларининг пайдо бўлишига назарий асос бўлиб хизмат қилган.

Индустриал жамиятда давлатнинг роли кучайиши билан ногиронлик давлат сиёсатининг объектига айланди. Давлат ногиронлиги бўлган шахсларни жамиятдан изоляция қилиш, уларни меҳнатга лаёқатсизлар сифатида рўйхатга олиш ва назорат қилиш ваколатини қўлга олди.

Шу билан бирга, XIX аср охирига келиб ижтимоий ҳуқуқлар концепцияси илк бор шакллана бошлади. Ишлаб чиқаришда жароҳат олган ишчиларни ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, компенсация тўлаш каби ғоялар илгари сурилди. Бироқ бу чоралар умумий меҳнат муҳофазаси доирасида амалга оширилган бўлиб, ногиронлиги бўлган шахсларни мустақил ҳуқуқ субъекти сифатида тан олишга олиб келмаган.

Хулоса қилиб айтганда, саноат инқилоби ва XIX аср ногиронликка нисбатан муносабатни тубдан ўзгартирган. Диний ва ахлоқий талқин ўрнига иқтисодий ва ҳуқуқий мезонлар келган. Бироқ бу ўзгариш инсонпарварликни эмас, балки янги турдаги тизимли камситишни келтириб чиқарган.

XIX аср охири ва XX аср боши ногиронликка нисбатан муносабат тарихида энг қарама-қарши ва фожиали даврлардан бири ҳисобланади. Агар индустриал жамиятда ногиронлик иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан “муаммо” сифатида баҳоланган бўлса, мазкур даврда у илмий ва ҳуқуқий асосланган “хавф” сифатида талқин қилина бошлади. Бизнинг фикримизча, айнан шу босқичда давлат илмий дискурсга таянадиган ҳолда инсон қадрини тизимли равишда инкор этиш ваколатини қўлга олган.

Ижтимоий дарвинизм ғоялари Чарльз Дарвиннинг биологик эволюция назариясини жамиятга татбиқ этиш орқали шаклланди. Ушбу ёндашувга кўра, жамиятда “энг кучлилар” яшаб қолиши, “заифлар” эса табиий равишда четлашиши лозим эди. Ногиронлиги бўлган шахслар ана шу “заифлар” тоифасига киритилди. Назаримизда, бу ерда илмий назария ахлоқий ва ҳуқуқий чекловларни оқлаш воситасига айлантирилди.

Евгеника ҳаракати мазкур ғояларни янада радикал шаклда ривожлантирди. Фрэнсис Галтон томонидан илгари сурилган евгеника концепцияси инсон зотини “яхшилаш”ни мақсад қилиб қўйди. Ногиронлик ирсий нуқсон сифатида баҳоланиб, унинг авлодга ўтиши давлат учун хавф деб эълон қилинди. Биз деб ҳисоблаймизки, айнан шу нуқтада давлат инсоннинг шахсий ҳаёти, танаси ва авлод қолдириш ҳуқуқига тўғридан-тўғри аралашини “қонуний” деб топган²⁰.

²⁰ Galton, David J., and Clare J. Galton. "Francis Galton: and eugenics today." Journal of Medical Ethics 24, no. 2 (1998): 99-105.

XX аср бошларида АҚШ, Европа давлатлари ва кейинчалик нацистик Германияда евгеникага асосланган ҳуқуқий нормалар қабул қилинди. Мажбурий стерилизация, никоҳ тузиш ҳуқуқини чеклаш, муайян тоифадаги шахсларни изоляция қилиш каби чоралар қонун даражасида мустаҳкамланди²¹. Биз бу ҳолатни ҳуқуқнинг инсонни ҳимоя қилиш воситасидан инсонни йўқ қилиш ёки назорат қилиш воситасига айланишининг энг очиқ намунаси, деб баҳолаймиз.

Жиноят ҳуқуқи соҳасида ногиронлик кўпинча “ижтимоий хавфли ҳолат” сифатида қаралди. Руҳий нуқсонларга эга шахслар жиноий жавобгарликдан озод этилган бўлса-да, улар муддатсиз равишда махсус муассасаларга жойлаштирилди. Назаримизда, бу ҳолат жазо эмас, балки умрбод эркинликдан маҳрум этишнинг ҳуқуқий ниқобланган шакли бўлган.

Маъмурий ҳуқуқ ва полиция ваколатлари ҳам евгеника сиёсатида муҳим ўрин тутган. Давлат ногиронлиги бўлган шахсларни рўйхатга олиш, кузатиш, мажбурий тиббий текширувдан ўтказиш орқали уларнинг ҳаёти устидан тўлиқ назорат ўрнатган. Бизнинг фикримизча, бу “биосиёсий” бошқарувнинг илк ҳуқуқий моделларидан бири ҳисобланади.

Оила ва никоҳ ҳуқуқи соҳасида евгеника сиёсати энг оғир оқибатларга олиб келган. Ногиронлиги бўлган шахслар никоҳ тузиш ҳуқуқидан маҳрум этилган, уларнинг ота-она бўлиш ҳуқуқи давлат томонидан чекланган. Бу ҳолат инсоннинг шахсий ва оилавий ҳаётга бўлган ҳуқуқини тўлиқ инкор этган. Бу ҳуқуқий тизимда инсон қадрининг мутлақ инкор қилиниши, деб ҳисоблаймиз.

Нацистик Германияда евгеника сиёсати энг радикал шаклга етди. “Т-4” дастури доирасида ногиронлиги бўлган шахслар оммавий равишда йўқ қилинди²². Бу ҳаракатлар “қонуний” қарорлар, тиббий хулосалар ва маъмурий буйруқлар асосида амалга оширилди. Назаримизда, бу ҳолат ҳуқуқий давлат ғоясининг мутлақ инқирози сифатида баҳоланиши лозим.

Иккинчи жаҳон уруши натижалари инсониятни ушбу сиёсатларни қайта кўриб чиқишга мажбур қилди. Евгеника ва ижтимоий дарвинизм ғоялари фош этилди, уларнинг ҳуқуқий оқибатлари инсониятга қарши жиноят сифатида тан олинди. Бизнинг фикримизча, айнан шу фожиали тажриба кейинчалик инсон ҳуқуқлари концепциясининг шаклланишига асос бўлди.

Шу тариқа, евгеника ва ижтимоий дарвинизм даври ногиронликка нисбатан муносабат тарихида энг қора саҳифалардан бирини ташкил этади. Давлат, фан ва ҳуқуқ бирлашиб инсон қадрини инкор этган. Бизнинг фикримизча, мазкур давр инсон ҳуқуқларининг қадрини англаш учун тарихий огоҳлантириш вазифасини бажаради ва замонавий ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш концепцияси учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

²¹ Gostin, Lawrence O. "Old and 'new' institutions for persons with mental illness: Treatment, punishment or preventive confinement?" *Public Health* 122, no. 9 (2008): 906-913.

²² Remington, Alexander M. "'Life Unworthy of Life' Aktion T4: The First Nazi Genocide." (2023).

Иккинчи жаҳон уруши натижасида очиб берилган евгеника сиёсати, оммавий қатллар ва инсон қадрининг ҳуқуқий инкор қилиниши инсоният тарихида мисли кўрилмаган ахлоқий ва ҳуқуқий инқирозни юзага келтирди. Урушдан кейинги даврда давлат ва ҳуқуқнинг асосий вазифаси эндиликда фақат жамоат тартибини таъминлаш ёки иқтисодий самарадорликка эришиш эмас, балки инсон қадрини ҳимоя қилиш сифатида қайта таърифланди. Бизнинг фикримизча, айнан шу нуқтадан бошлаб ногиронликка нисбатан муносабат ҳуқуқий парадигма даражасида тубдан ўзгарди.

Нацистик Германияда амалга оширилган евгеника ва “Т-4” дастурлари ҳуқуқнинг инсонни ҳимоя қилиш эмас, балки йўқ қилиш воситасига айланиши мумкинлигини очиқ намоён қилди. Бу тажриба халқаро ҳамжамиятни инсон ҳуқуқларини давлат ихтиёридан чиқариб, универсал ҳуқуқий меъёр сифатида мустаҳкамлаш заруратига олиб келди²³. Назаримизда, инсон ҳуқуқлари концепциясининг замонавий шакли айнан ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан содир этилган ҳуқуқбузарликларга муносабат сифатида шаклланди.

1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси инсон қадрини барча ҳуқуқ ва эркинликларнинг асоси сифатида белгилади. Декларация ногиронликни алоҳида тилга олмаган бўлса-да, унинг универсаллик тамойили ногиронлиги бўлган шахсларни ҳам тўлиқ ҳуқуқ субъекти сифатида қамраб олишни назарда тутган. Айнан шу универсал ёндашув аввалги асрларда ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан қўлланилган чекловчи ҳуқуқий моделларни инкор этган.

Урушдан кейинги даврда халқаро ҳуқуқда ижтимоий ҳуқуқлар тушунчаси шакллана бошлади. Таълим, меҳнат, тиббий ёрдам ва ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқлар давлатнинг ижобий мажбуриятлари сифатида қаралди. Ногиронлик эндиликда шахсий камчилик эмас, балки давлат томонидан бартараф этилиши лозим бўлган ижтимоий тўсиқлар билан боғлиқ ҳолат сифатида талқин этилди. Назаримизда, бу ёндашув ногиронликнинг тиббий моделидан ижтимоий моделга ўтишни англатади.

Конституциявий ҳуқуқ соҳасида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Кўплаб давлатлар конституцияларида тенглик, камситишга йўл қўймаслик ва инсон қадри тамойиллари мустаҳкамланди. Бу нормалар ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан махсус чекловларни қонунийлаштириш имкониятини кескин чеклади. Бизнинг фикримизча, бу жараён ногиронлиги бўлган шахсларни “ҳимоя объекти”дан “ҳуқуқ субъекти”га айлантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

XX асрнинг иккинчи ярмида ногиронликка нисбатан ҳуқуқий ёндашувда ижтимоий модел устуворлик қила бошлади. Ушбу моделга кўра, ногиронлик

²³ Marini, Irmo. "The history of treatment toward people with disabilities." (2017).

шахсининг жисмоний ёки ақлий ҳолатидан эмас, балки жамиятда мавжуд тўсиқлардан келиб чиқади. Назаримизда, бу ҳуқуқий тафаккурда инқилобий ўзгариш бўлиб, давлатни фаол субъект сифатида ҳаракат қилишга мажбур қилди.

Халқаро меҳнат ҳуқуқи соҳасида ҳам ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаш, улар учун мослаштирилган меҳнат шароитлари яратиш масалалари кўтарилди. Ногиронлиги бўлган шахс меҳнатга лаёқатсиз субъект эмас, балки тегишли шарт-шароит яратилган тақдирда ишлаши мумкин бўлган фуқаро сифатида қабул қилинди. Ушбу ёндашув меҳнат ҳуқуқида иқтисодий фойдалилик мезонини инсон қадрли мезони билан мувозанатлаштиришга уриниш ҳисобланади.

Жиноят ҳуқуқи соҳасида ҳам инсонпарварлаштириш тенденцияси кузатилди. Ақлий ёки руҳий нуқсонларга эга шахсларга нисбатан жавобгарлик масаласи айб ва айбдорлик тамойиллари асосида қайта кўриб чиқилди. Ногиронлиги бўлган шахс жиноий жавобгарликдан озод этилган тақдирда ҳам, унинг шахсий эркинлиги мутлақо чекланмаслиги лозимлиги ҳақидаги ғоя илгари сурилди. Назаримизда, бу ҳуқуқий давлат ғоясининг ногиронлик соҳасидаги муҳим ифодасидир.

XX аср охири ва XXI аср бошида ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари алоҳида халқаро ҳуқуқий институт сифатида шаклланди. Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатлар мазкур тоифадаги шахсларни мустақил қарор қабул қила оладиган, ўз ҳаёти устидан назоратга эга бўлган субъект сифатида тан олди. Ушбу жараён ногиронликка нисбатан ҳуқуқий муносабат тарихидаги энг юқори босқични ифодалайди.

Шу билан бирга, замонавий ҳуқуқий парадигма барча муаммоларни ҳал қилди, деб айтиш мумкин эмас. Институционал васийлик, ижтимоий стереотиплар ва иқтисодий тўсиқлар ҳануз сақланиб қолмоқда. Бизнинг фикримизча, замонавий ҳуқуқнинг асосий вазифаси эндиликда ногиронлиги бўлган шахсларни ҳимоя қилиш эмас, балки уларнинг мустақиллиги ва тўлақонли иштирокини таъминлашдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, Иккинчи жаҳон уруши ортидан шаклланган инсон ҳуқуқлари парадигмаси ногиронликка нисбатан муносабатни тубдан ўзгартирди. Ногиронлиги бўлган шахс энди давлат раҳм-шафқати объекти эмас, балки ажралмас ҳуқуқларга эга тўлиқ ҳуқуқ субъекти сифатида қаралмоқда. Бизнинг фикримизча, мазкур парадигма инсоният тарихидаги энг оғир хатолардан чиқарилган ҳуқуқий сабоқнинг ифодаси бўлиб, уни сақлаш ва ривожлантириш замонавий давлатнинг асосий бурчи ҳисобланади.

Дарҳақиқат, инсоният тарихида ногиронликка нисбатан муносабат эволюцияси ҳуқуқий тафаккурнинг ривожланиш даражасини, давлат ва шахс ўртасидаги муносабатнинг моҳиятини ҳамда инсон қадрининг қай тарзда

англанганини яққол намоён этади. Ушбу тадқиқотда амалга оширилган даврий таҳлил шуни кўрсатадики, ногиронлик масаласи ҳеч қачон фақат тиббий ёки ижтимоий муаммо бўлиб қолмаган, балки доимо ҳуқуқий тартибга солиш, легитимация ва чеклов объектларидан бири сифатида намоён бўлган.

Замонавий тиббиёт тараққиёти натижасида индустриал ривожланган мамлакатларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг умр давомийлиги ҳамда ҳаёт сифати тиббий нуқтаи назардан изчил яхшиланиб бормоқда, бироқ мазкур ижобий тенденция, асосан, соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган иқтисодий жиҳатдан таъминланган қатламга нисбатан кузатилаётгани илмий-танқидий жиҳатдан қайд этилади. Умумий ва инклюзив тиббий таъминот тизими тўлиқ шаклланмаган шароитда, айниқса, АҚШ мисолида соғлиқни сақлаш соҳасида “иқтисодий жиҳатдан муносибларнинг яшаб қолиши” тамойили устувор бўлиб қолаётгани намоён бўлади.

Шу билан бирга, ҳозирда пенсия ёшига яқинлашаётган миллионлаб “бэби-бумер” авлоди учун тиббий хизматлар қийматининг муттасил ортиб бориши кекса ёш даврининг ижтимоий ва тиббий кафолатлари барқарорлигига нисбатан жиддий шубҳаларни келтириб чиқармоқда. 2010 йилда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган кенг кўламли қонун қабул қилинганига қарамай, суғурта компанияларининг институционал таъсири сақланиб қолиши ҳамда сиёсий қарама-қаршиликлар мазкур ислоҳотларнинг амалий самарадорлигини ноаниқ ҳолда қолдирмоқда²⁴.

Айни вақтда, ҳомилани генетик скрининг орқали эҳтимолий ногиронлик белгилари асосида саралаш ва унинг ҳаётини тугатиш имкониятларининг кенгайиши инсон кадрлари, тенглик ва ижтимоий адолат тамойиллари нуқтаи назардан ўта мураккаб биоэтик масалаларни кун тартибига қўймоқда, чунки тарихий тажриба туғма ёки орттирилган ногиронликка қарамасдан инсоният цивилизацияси тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган шахслар мавжудлигини яққол исботлайди. Шу тариқа, замонавий тиббиёт ва биотехнологиялар ривожини шароитида мукамал инсон образини шакллантиришга интилиш ҳамда молиявий жиҳатдан устун қатламларнинг афзал қўйилишига оид баҳслар евгеника шаклида давом этиб, инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий инклюзия ғоялари билан жиддий назарий зиддиятда қолмоқда.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, ногиронликка нисбатан муносабат тарихи, бу инсониятнинг ҳуқуқий ва ахлоқий етуклик тарихидир. Қачонки ҳуқуқ инсон қадрини мутлақ қадрият сифатида қабул қилганида, ногиронлиги бўлган шахс тўлиқ ҳуқуқ субъектига айланади, қачонки давлат манфаати, иқтисодий фойдалилик ёки “илмий мақсадлар” устувор қўйилганида эса, ҳуқуқ инсонга қарши воситага айланади.

²⁴ Marini, Irmo. "The history of treatment toward people with disabilities." (2017).

Бизнинг фикримизча, ушбу тадқиқот натижалари замонавий ҳуқуқ сиёсати учун муҳим хулоса беради, яъни ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш алоҳида ижтимоий чора эмас, балки ҳуқуқий давлатнинг ҳақиқий синовидир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Coleman, James C. "Abnormal psychology and modern life." (1976).
2. Gostin, Lawrence O. "Old and new institutions for persons with mental illness: Treatment, punishment or preventive confinement?." Public Health 122, no. 9 (2008): 906-913.
3. Coleman, James C. "Abnormal psychology and modern life." (1976).
4. Galton, David J., and Clare J. Galton. "Francis Galton: and eugenics today." Journal of Medical Ethics 24, no. 2 (1998): 99-105.
5. Abdukhamidov, I. (2024, June). POPULATION MIGRATION AND ITS CLASSIFICATIONS. In INTERDISCIPLINE INNOVATION AND SCIENTIFIC RESEARCH CONFERENCE (Vol. 2, No. 21, pp. 38-42).
6. Remington, Alexander M. "Life Unworthy of Life" Aktion T4: The First Nazi Genocide." (2023).
7. Abdukhamidov, I. A. (2022). WOMEN'S MOVEMENT IN LABOR MIGRATION: PROBLEMS AND SOLUTIONS. Экономика и социум, (8 (99)), 3-6.
8. Marini, Irmo. "The history of treatment toward people with disabilities." (2017).